

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАРМАНОВА ДИЛНОЗА МАВЛАНОВНА

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА НАСЛЛИ ҚЎЗИЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Парманова Дилноза Мавлановна

Қорақўлчиликда насли қўзилар олиш ва парваришлаш хусусиятлари..... 3

Парманова Дилноза Мавлановна

Особенности получения и выращивания племенного молодняка
каракульских овец..... 21

Parmanova Dilnoza Mavlanovna

Features of obtaining and raising tribal young Karakul sheep..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 42

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАРМАНОВА ДИЛНОЗА МАВЛАНОВНА

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА НАСЛЛИ ҚЎЗИЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ
ПАРВАРИШЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 – Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Qx64 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси www.uzkarakul.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобоқулов Насилло Асадович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Досмухамедова Мухайё Хуснидиновна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Амиров Шавкат Қўзибоевич

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «06» 10 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улугбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-кават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (177 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-кават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «25» 09 куни тарқатилди.
(2020 йил «25» 09 даги 8 рақамли реестр баённомаси)


М.Э.Аширов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, к-х.ф.д., профессор

Б.С.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к-х.ф.ф.д.(PhD)

С.Ю.Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қорақўл зотига мансуб қўйлар ер шарининг 40 дан ортиқ давлатларида урчитилади. Дунёда қорақўл зотини соф ҳолда ҳамда маҳаллий қўйлар билан чатиштириш асосида уларнинг ирсий имкониятлари кенгайтирилиб, янги хусусиятлардаги гул сифатларига эга бўлган қорақўл маҳсулотлари ишлаб чиқариш усуллари яратилмоқда. Қорақўл қўйларининг ирсиятини баҳолаш ва уларда ирсий ва маҳсулдорлик салоҳиятининг юзага чиқиш даражаларини ўрганиш, серпуштлик кўрсаткичларини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қўйларни урчитиш, серпуштлик ҳамда барра тери хусусиятларини уйғунлаштириш илмий жиҳатдан асосланган ва уларнинг серпушт завод типларини яратишга эришилмоқда.

Қорақўлчилик Қозоғистон, Туркменистон, Жанубий Африка Республикаси, Намибия, Афғонистон давлатларида юқори даражада ривожланган. Бу давлатларда қорақўл зоти янги ирсий хусусиятли генотиплар билан бойитиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқотлар бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда урчитилувчи сур қорақўл қўйларининг учта зот типини мавжуд -Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхондарё¹. Қорақалпоқ зот типини қимматли ҳисобланиб, уларни такомиллаштириш ва ирсий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш муҳимдир. Бу борада мавжуд илмий натижалардан фойдаланиш, янги имкониятларни излаб топиш долзарб ҳисобланади. Бундай имкониятлар қаторига уларнинг репродуктив хусусиятларини эътиборга олиш орқали олинадиган авлодлар сифатини оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларига аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш» га алоҳида эътибор қаратилган². Хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-308-сонли, 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар сонини кўпайтиришни рағбатлантиришни

¹ <https://agro-olam.uz/qoylarning-qorakol-zoti-haqida/>

² Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-842-сонли, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-2841-сонли ва 2018 йил 14 мартдаги «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3603-сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Озиқлантириш ва сақлашни ташкил этиш, сунъий уруғлантириш ва кўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказиш, ёш кўзиларни мохирона ўстириш, кўйларнинг кўп кўзи туғиши ва уларнинг юқори даражада ҳаётчанликни сақлаб қолишига имконият яратади (Кочкаров Р.К, 2010). Кўзилар ўсишининг биринчи икки ойида улар қабул қиладиган тўйимли моддаларнинг 70-80 фоизи, учинчи ойида 50-60 фоизи ҳамда тўртинчи ойида 30 фоизи она сути орқали таъминланиши аниқланган (Диман В.Н., 1939).

Шувоқли-эфемерли типдаги яйловларнинг ҳосилдорлиги куз мавсумида, айниқса совлиқлар бўғозлигининг иккинчи ярмида юқори бўлиши кўзиларнинг туғилган пайтдаги тирик вазнининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди (М.Исмаилов., В.Попова, Т.Рахимов., 2013).

Қорақалпоқ сур кўйларида энг юқори даражада шамчирокгул рангбаранглиги авлодга берилади (89,1). Лекин уларнинг бош ва дум қисмида оралиқ майдоннинг кўпайиши ушбу рангбарангликнинг наслга берилиш даражасини пасайтиради (Ахметшиев А.С., 1997).

Қорақалпоқ сур қоракўл кўйларида рангбарангликнинг авлодга берилиши, ўсиши, ривожланиши, жун–тола қопламининг морфогистологияси, жун маҳсулдорлиги Р.У.Турганбаев (2012) томонидан ўрганилган.

Қоракўл кўйларида белгиларнинг намоён бўлиши ва селекциялаш усуллари, белгиларнинг ўзгарувчанлиги, юқори маҳсулдор популяциялар яратиш йўналишида Фазилов У, 2016; Юсупов С.Ю., 2016, Газиев А, 2016; Исмаилов М.Ш., 2016 томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Қоракўлчиликда озуқа блокларидан фойдаланиш, озиқлантириш ва сақлаш, гўшт ишлаб чиқариш йўналишларида Бобоқулов Н.А. ва бошқалар, 2004, 2014, 2015, 2017, 2018, Попова В.В. ва бошқалар кенг қамровли илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Аммо насли қоракўл кўйларини олиш ва уларни парваришланишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича олимлар томонидан етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий–тадқиқот институтининг ҚХА-9-042 «Фермер хўжаликлари шароитида қорақўл қўйларини озиклантириш ва сақлаш технологиясининг табиатни муҳофаза қилувчи моделини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй) ва ҚХА-9-006-2015 «Қорақўлчиликда гўшт ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақўлчиликда насли кўзилар олиш ва парваришlash хусусиятларини аниқлаш асосида уларнинг наслдорлиги ва маҳсулдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хайвонларни озиклантириш даражасини, озуқаларнинг тўйимлиги ва озуқа элементлари билан таъминланиш даражасини аниқлаш;

хайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари ва уларнинг динамикасини (тирик вазни, экстерьер ўлчамлари, тана тузилиш индекслари) аниқлаш;

хайвонларнинг жун қирқими миқдорини аниқлаш;

совлиқлар сут маҳсулдорлигининг кўзилар тирик вазни билан боғлиқлигини аниқлаш;

насли кўчқорларнинг репродуктив хусусиятларини (жинсий фаоллиги, сперма сифати, уруғлантириш даражаси, совлиқларнинг пуштдорлиги) аниқлаш;

насли кўчқорлардан олинган авлодлар сифатига баҳо бериш (туғилгандаги тирик вазни, гул типи ва синфлари, конституцияси, жун-тола сифати, гулларнинг жойлашиш расми, гул мустаҳкамлиги).

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли озиклантириш типдаги тоза зотли насли қорақалпоқ сур қорақўл кўчқорлари, улардан олинган авлодлар, қорақўл тери маҳсулотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли озиклантириш типдаги насли қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг янги урчитиш шароитида ўсиш ва ривожланиш, репродуктив ва маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш ва уларни самарали урчитиш йўллариини белгилаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйларни яйлов ҳисобидан озиклантиришда асосий озуқавий ва энергия моддалари ҳисоблаш (Ш.Абдуваитов, 1979; С.А.Асамов, В.П.Субботин ва бошқалар, 1982) асосида олиб борилган. Турли ёшдаги кўчқорларнинг тирик вазн динамикаси электрон тарозиларда ўлчаш ёрдамида; экстерьер ўлчамлари ўлчов таёғи ва лентаси, тана тузилиш индекслари зоотехнияда умум қабул қилинган формулалар орқали аниқланди (Н.А.Кравченко, 1963).

Олинган авлодлар С.Ю.Юсупов ва бошқаларнинг «Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш бўйича қўлланма» асосида баҳоланган. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили

Н.А.Плохинскийнинг «Руководство по биометрии для зоотехников» қўлланмаси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги экологик ҳудуд ҳисобланган адир шароитида турли озиклантириш типдаги қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг репродуктив хусусиятларини юзага чиқариш муддатлари аниқланган.

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг озиклантириш маҳсулдорлик ва репродуктив хусусиятларини ўрганиш асосида уларнинг наслдорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилган;

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг уруғ олиш ва уруғлантириш ёшига олинган авлодлар сифатининг боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли даражада озуқа турлари ва меъёрларида озиклантирилган насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг наслдорлик хусусиятларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш ҳамда маҳсулдорлик хусусиятлари аниқланган;

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг наслдорлик хусусиятларини намоён бўлиш даражалари аниқланган;

насли қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларидан селекция жараёнида самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотларида замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланганлиги, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва ҚХООТИИЧМ апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларига ижобий баҳо берилганлиги, олинган рақамли маълумотларнинг барчасига вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, натижаларнинг жорий этилиши далолатномалар билан асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илк бор Нурота адирлари шароитида қорақалпоқ сур қоракўл қўчқорларининг озиклантириш даражаси, озуқа элементлари билан таъминлаш, ўсиш ва ривожланиш, репродуктив ва олинган авлодларини баҳолаш ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини уларнинг озиклантириш типларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адир шароитида қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини ва репродуктив хусусиятини оширишда ишлаб чиқилган технологияларнинг қўлланилганлиги, насли қорақалпоқ сур қўчқор олинган авлодларни баҳолаш ва наслдорлигини ҳисобга олиш, авлодлар сифатини оширишнинг иқтисодий самарадорлигини замон талаблари даражасига етказиш имкониятларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наслли қорақалпоқ сур қорақўл кўчқорларининг озикланиш, ўсиш ва ривожланиш, репродуктив ҳамда маҳсулдорлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борган тадқиқот натижалари асосида:

насли қорақалпоқ сур қорақўл кўчқорларини парваришлаш усули Нурота тумани «Истиклол қорақўл наслчилиқ» МЧЖ да жорий этилган (Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қорақалпоқ сур қорақўл териларини етиштириш бўйича соф фойда 34000,0 сўмни, рентабеллик даражаси эса 70,83-75,0 фоизни ташкил этган;

насли кўчқорлардан фойдаланишнинг энг мақбул муддатларини аниқлаш усули Нурота тумани «Истиклол қорақўл наслчилиқ» МЧЖ да жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қорақалпоқ сур қорақўл терисидан олинган соф фойда 39750,0 сўмни, рентабеллик даражаси 75,0-83,3 фоизни ташкил этган;

насли кўчқорлардан селекция жараёнида самарали фойдаланиш усули Нурота тумани «Истиклол қорақўл наслчилиқ» МЧЖ да жорий этилган (Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 20 июлдаги 02/23-273-сон маълумотномаси). Натижада 1 дона қорақалпоқ сур қорақўл терисидан олинган соф фойда 39750,0-49170,0 сўмни, рентабеллик даражаси 83,3 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари Нурота тумани «Истиклол қорақўл наслчилиқ» МЧЖ нинг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2014-2016 йй.), Қишлоқ хўжалиғи ва озиқ –овқат таъминоти илмий ишлаб –чиқариш марказининг апробациясида (2016 й), Қорақўлчилиқ ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий кенгаш йиғилишларида ҳамда 2 та ҳалқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиғи. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 9 та, шу жумладан ҳалқаро ва республика илмий–амалий конференция материаллари тўпламида 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шундан 1 таси ҳорижий нашрларда, мақолалар чоп қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хусусий тадқиқот натижалари, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиғи ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган илмий –тадқиқот муассасасининг илмий –тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиғи, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий

янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилиниши, олинган натижаларининг апробацияси, чоп этиш натижалари ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи бобида қорақўл қўйларнинг ўсиш ва ривожланиши, қорақўл қўйларини озиклантириш, қорақўл қўйлар селекцияси ва наслдорлик хусусиятларининг шаклланиши, қорақўл қўйларининг маҳсулдорлик хусусиятларига оид адабиётлар таҳлил қилиб чиқилган. Ушбу йўналишларда тадқиқотлар ўтказган кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот манбаи ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот манзили, схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Тадқиқотлар 2014-2016 йиллар давомида Навоий вилояти Нурота туманидаги «Истиклол қорақўл наслчилиги» масъулияти чекланган жамиятида турли озиклантириш типдаги насли қорақалпоқ сур қорақўл қўчқорларида ўтказилган. Тадқиқотлар давомида насли қўчқорларни озиклантириш, озуқалар таркибини баҳолаш, насли қўчқорларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари яъни тирик вазни, экстерьер ўлчамлари, тана тузилиш индекслари динамикасини баҳолаш, насли қўчқорларнинг репродуктив хусусиятларини баҳолаш, насли қўчқорлардан олинган авлодларнинг айрим барра тери кўрсаткичларини баҳолаш, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён этилган.

Диссертациянинг «**Ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида насли қўзилар олиш усуллари, насли қорақалпоқ сур қорақўл қўчқорларини озиклантириш хусусиятлари, ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, тирик вазн кўрсаткичлари, тирик вазн динамикаси, тирик вазнининг мутлақ ва нисбий ўсиши, қўзиларнинг экстерьер ўлчамлари ва уларнинг турли ёш даврларидаги динамикаси, қўзиларнинг турли ёш даврларида тана тузилиш индекслари ва уларнинг динамикаси, қўзиларнинг жун қирқими миқдори, совлиқлар сўт маҳсулдорлигининг қўзилар тирик вазни билан боғлиқлиги баён қилинган.

Тадқиқотлар давомида насли қўчқорларни қўшимча озиклантириш миқдори белгиланган. Насли қўчқорлар учун талаб қилинадиган меъёр, яйлов озуқаси билан таъминланиши ҳамда қўшимча озиклантириш миқдори тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Тажрибадаги қўчқорлар яйлов озуқасига қўшимча озуқалар билан озиклантирилиб, озуқа аралашмалари 0,51 озуқа бирлиги ёки 64,0 г ҳазмланувчи протеинни ташкил этган. Ҳайвонларнинг кейинги ўсиш ёш даврларига таъсир этувчи 8-12 ойлик ёш даврида таркибида 15,0% озуқа бирлиги ва 11,0% ҳазмланувчи протеин бўлган озуқалар истеъмол қилган. Тажриба гуруҳидаги қўчқорларига яйлов озуқасига қўшимча озуқа аралашмалари билан озиклантирилиб, озуқа аралашмаси таркибида 0,69

озука бирлиги ва 83,4 г ҳазмланувчи протеин мавжуд. Назорат гуруҳидаги кўчқорлар хўжалик озуқалари билан озиклантирилди (0,3 кг арпа ёрмаси. Озука бирлиги 0,33, ҳазмланувчи протеин 28 г.).

1-жадвал

Тажрибадаги кўчқорларни озиклантириш

Ёши, ой	Талаб қилинадиган меъёр		Ййлов озуқаси билан таминланиши		Қўшимча талаб этилади		Гранула микдори, г	Таркибида	
	Озука бирлиги	Ҳазмланувчи протеин, г	Озука бирлиги	Ҳазмланувчи протеин, г	Озука бирлиги	Ҳазмланувчи протеин, г		Озука бирлиги	Ҳазмланувчи протеин, г
4-6	0,95-1,1	115-140	0,61	76,5	0,42	51,0	800	0,48	60,0
6-8	1,06-1,2	125-155	0,67	84,0	0,46	56	900	0,54	67,5
ўрғача	1,08	133,7	0,65	80,2	0,44	53,5	850	0,51	63,7
8-10	1,15-1,35	140-175	0,63	78,7	0,62	79,0	950	0,65	79,0
10-12	1,3-1,46	150-175	0,69	81,3	0,69	81,3	1050	0,72	87,6
ўрғача	1,32	160	0,66	80,0	0,66	80,0	1000	0,69	83,4
16-18	1,60	180	0,80	90,0	0,80	90,0	1350	0,93	112,6

Март ойининг бошларида тажриба ва назорат гуруҳидаги кўчқорлар яйлов шароитида сақланган. Август ойининг бошидан сунъий уруғлантириш мавсумининг охирига қадар тажриба гуруҳидаги кўчқорлар рацион асосида озиклантирилди. Тажриба гуруҳидаги кўчқорлар яйлов озуқасига қўшимча равишда 1,35 кг озуқавий аралашмалар билан озиклантирилди. Озуқавий аралашмалар таркибида 0,93 озука бирлиги ва 112,6 г ҳазмланувчи протеин мавжуд. Назорат гуруҳидаги кўчқорлар хўжалик озуқалари билан озиклантирилди 0,7 кг арпа ёрмаси. Озука бирлиги 0,77, ҳазмланувчи протеин 66 г. Улар сунъий уруғлантириш даврида 0,7 кг арпа ёрмаси ва 1,5 кг турли ўтлар пичани билан озиклантирилди (озука бирлиги 1,43, ҳазмланувчи протеин 150 г.).

2-жадвал

Озука аралашмаларининг таркиби ва озуқавий қиймати

Озуқалар	Микдори, % ҳисобида	Озука бирлиги	Алмашинувчи энергия МДж	Ҳазмланувчи протеин, г	Са, г	Р, г
Беда пичани	25	0,11	1,73	25,0	4,3	0,55
Ййлов ўтлари пичани	25	0,10	1,71	10,0	2,1	0,5
Арпа сомони	10	0,04	0,60	1,9	0,3	0,08
Омухта ем	20	0,16	1,9	16,0	0,4	1,90
Буғдой ёрмаси	15,0	0,17	1,68	12,7	0,3	0,60
Пахта кунжараси	5,0	0,05	0,5	16,0	0,14	0,37
Жами 1 кг озука таркибида	100	0,63	8,12	81,6	7,54	4,00

Тадқиқотлар давомида ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинган озуқа аралашмаларининг таркиби ва озуқавий қиймати ўрганилганда (2-жадвал), озуқа аралашмалари таркибида беда пичани 25% ни, яйловдаги турли ўтлар пичани 25% ни арпа сомони 10% ни, омукта ем 20% ни, буғдой ёрмаси 15,0% ни ва пахта кунжараси 5,0% ни ташкил этиб, таркибида 0,63 озуқа бирлиги, 8,12 МДж алмашинув энергияси, 81,6 г ҳазмланувчи протеин, 7,54 г кальций ва 4,0 г фосфор мавжуд бўлган. Ушбу озуқа аралашмасининг 40% ни кучли озуқалар ташкил қилмоқда, бу эса ҳайвонлар ўсиши ва ривожланиши ҳамда маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, озуқаларнинг турлари, таркиби, тўла қийматлилиги ва ҳазмланувчи протеин миқдорига алоҳида эътибор қаратиш уларнинг наслдорлик хусусиятларини тўлиқ юзага чиқаришига имкон туғдиради.

Ҳайвонлар организмнинг ривожланиши билан уларнинг ёши ва тирик оғирлиги ўртасида маълум даражада боғлиқлик борлиги, айниқса ривожланиш ва тирик оғирликнинг ўзгариши ўртасида жуда яқин ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

Тажрибадаги кўзиларнинг турли ёш даврларидаги тирик вазн кўрсаткичлари, кг

№	Ёш даврлари	Кўзилар гуруҳи			
		Назорат n=30		Тажриба n=30	
		$X \pm S_x$	C_v	$X \pm S_x$	C_v
1	Туғилганда	4,3±0,06 ^x	8,7	4,5±0,07	9,2
2	15-20 кунликда	8,5±0,08 ^{x)}	8,5	8,9±0,09	10,1
3	4,0-4,5 ойликда	25,2±0,32 ^x	6,7	26,1±0,34	6,4
4	8 ойликда	29,2±0,3 ^{x)}	7,2	31,8±0,39	6,7
5	12 ойликда	35,9±0,31 ^{x)}	7,1	37,1±0,34	6,9
6	18 ойликда	44,1±0,38 ^{x)}	6,5	46,6±0,40	5,7

x)=P < 0,001; x=P < 0,05

Тажриба гуруҳи кўзиларининг туғилгандаги тирик вазни назорат гуруҳидаги ҳайвонлар тирик вазнига нисбатан 0,2 кг юқори бўлишини кўрсатмоқда. Ҳайвонларнинг 15-20 кунлик ёш давридаги тирик вазн кўрсаткичи таҳлил қилинганда тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар тирик вазнининг 0,4 кг юқори бўлишини кўрсатмоқда (P<0,001; P<0,05).

Ҳайвонларнинг турли ёш даврларида яъни 4-4,5 ойликда, 8 ойликда 12 ойликда ҳамда 18 ойликдаги тирик вазн кўрсаткичлари таҳлил қилинганда тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар ўз тенгқурларига нисбатан мос равишда: 0,9 кг, 2,6 кг, 1,2 кг ва 2,5 кг юқори тирик вазн кўрсаткичларини номоён қилиши аниқланди (P<0,001; P<0,05). Бу эса ҳайвонларни озиклантириш меъёрларига риоя қилиш, тўлақийматли озиклантириш ҳисобига юзага келиб, уларни келгусида маҳсулдорлик ва наслдорлик хусусиятларини тўлароқ юзага чиқаришини таъминлайди.

Наслли кўчқорларнинг ўсиш ва ривожланишини, ўсиш даражаси ва маҳсулдорлигининг шаклланишини характерловчи кўрсаткичлардан бири

уларнинг экстерьер кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқот натижалари 4-жадвалда умумлаштирилган.

4-жадвал

Тажрибадаги кўзиларнинг 18 ойликдаги экстерьер ўлчамлари (см)

№	Кўрсаткичлар	Кўзилар гуруҳи			
		Назорат n=30		Тажриба n=30	
		X±S _x	C _v	X±S _x	C _v
1	Яғрин баландлиги, см	64,4±0,22 ^{x)}	2,23	66,8±0,36	2,36
2	Гавда қия узунлиги, см	65,2±0,38 ^{x)}	3,12	66,5±0,25	3,25
3	Кўкрак чуқурлиги, см	30,8±0,27 ^{x)}	2,88	33,9±0,32	2,87
4	Кўкрак кенглиги, см	16,7±0,32 ^{x)}	3,25	18,2±0,36	3,42
5	Кўкрак айланаси, см	83,6±0,35 ^{x)}	1,92	85,5±0,24	2,31
6	Пойча айланаси, см	7,7±0,12 ^{x)}	5,11	8,1±0,13	5,22

x)=P < 0,001; x=P < 0,05

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳи кўчқорлари озиклантириш меъёрлари асосида озиклантирилганлиги, уларга яйлов озукасига кўчимча озукалар берилганлиги уларнинг экстерьер ўлчамларининг назорат гуруҳи кўчқорлариникига нисбатан устун бўлишига сабаб бўлмоқда (яғрин баландлиги 7,0 см, гавданинг қия узунлиги 7,3 см, кўкрак чуқурлиги 3,1 см, кўкрак кенглиги бўйича 2,4 см, кўкрак айланаси бўйича 8,8 см, пойча айланаси 0,7 см юқори). Бу эса маҳсулдорлик хусусиятларини наслга берилишининг юқори бўлишига олиб келади.

Қоракўл қўиларининг жун маҳсулдорлигига жун толасининг узунлиги ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, жун толаси қанчалик узун бўлса унинг жун маҳсулдорлиги ҳам шунчалик кўп бўлади. Бироқ қоракўл кўзиларининг барра тери сифатларини баҳолашда улар терисидаги жун толасининг узунлиги ўрта даражада бўлиши териларнинг қимматлилигини оширишга хизмат қилади.

5-жадвал

Жун толаси узунлиги ва кўзи жуни қирқими миқдори, n=30

Кўзилар рангбаранглиги	Кўрсаткичлар	Жун узунлиги:			Кўзи жуни қирқими миқдори, г
		Туғилганда, мм	15-20 кунлигида, мм	4-4,5 ойлигида, см	
		X±S _x	C _v	X±S _x	
Ўрикгул n=11	X±S _x	10,6±0,56	19,6±0,87 ^{x)}	13,8±0,60 ^{x)}	1046,3±26,6 ^{x)}
	C _v	17,6	14,7	14,4	8,4
Шамчироқгул (n=25)	X±S _x	9,8±0,40 ^{x)}	18,5±0,58 ^{x)}	13,8±0,60 ^{x)}	1032,3±21,5 ^{x)}
	C _v	20,4	15,6	18,5	15,2
Пўлати (n=30)	X±S _x	9,7±0,44 ^{x)}	18,8±0,64 ^{x)}	13,3±0,33 ^{x)}	1021,0±26,0 ^{x)}
	C _v	24,7	18,4	13,7	13,7
Қамар (n=37)	X±S _x	11,2±0,31	21,1±0,40	14,8±0,25	1186,4±38,5
	C _v	16,6	11,5	10,3	19,6

x)=P < 0,001; x=P < 0,05

Жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўлишича (5-жадвал), туғилган вақтдаги жун тола узунлиги бўйича энг юқори кўрсаткич камар рангбаранглигидаги кўзилардан кузатилиб (11,2 мм), ўрикгул рангбаранглигига нисбатан 0,8 мм, шамчироқгул рангбаранглигига нисбатан 1,4 мм ва пўлати рангбаранглигига нисбатан 1,5 мм юқори бўлиши кузатилган.

Кўзиларнинг 15-20 кунлигида камар рангбаранглигидаги кўзилар кўрсаткичи ўрикгул рангбаранглигига нисбатан 1,5 мм, шамчироқгул рангбаранглигига нисбатан 2,6 мм ва пўлати рангбаранглигига нисбатан 2,3 мм юқори бўлиши аниқланди. 4-4,5 ойлик ёшидаги жун толаларининг узунлиги 15-20 кунлик даврига нисбатан пасайиш ҳолати кузатилган, бу ҳолат ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан изоҳланади. Ушбу ёш даврида камар рангбаранглигидаги кўзилар кўрсаткичи ўрикгул рангбаранглигига нисбатан 1,0 мм, шамчироқгул рангбаранглигига нисбатан 1,8 мм ва пўлати рангбаранглигига нисбатан 1,5 мм юқори бўлиши аниқланди.

Барча ёш давларида жун толаларининг узун бўлиши камар рангбаранглигидаги кўзиларнинг жун қирқими миқдорининг юқори бўлишини таъминлаб, 1186,4 граммни ташкил этган ва бу кўрсаткич ўрикгул рангбаранглигидаги кўзилар кўрсаткичига нисбатан 140,1 граммга, шамчироқгул рангбаранглигига нисбатан 154,1 граммга ҳамда пўлати рангбаранглигига нисбатан 165,4 граммга юқори бўлиши кузатилган.

Совлиқлар сут маҳсулдорлиги билан кўзилар тирик вазни ўртасидаги боғлиқлик 6-жадвалда баён қилинган.

6-жадвал

Совлиқлар сут маҳсулдорлигининг тирик вазн билан боғлиқлиги

Гуруҳлар		Тирик вазни, кг		Мутлоқ ўсиши, кг	21 кунлик сут маҳсулдорлиги, кг	Боғлиқлик
		Туғилганда	21 кунликда			
Ўрикгул n=11	$X \pm S_x$	4,0±0,15 ^{x)}	8,2±0,21 ^{x)}	4,2±0,07	21,0±0,35	0,91
	C_v	12,5	8,6	5,6	5,8	
Шамчироқгул n=25	$X \pm S_x$	3,6±0,10 ^{x)}	7,9±0,15 ^{x)}	4,3±0,15	21,5±0,78	0,78
	C_v	13,8	13,8	9,2	9,3	
Пўлати n=30	$X \pm S_x$	4,2±0,08 ^{x)}	8,3±0,12 ^{x)}	4,1±0,03 ^{x)}	20,5±0,19 ^{x)}	0,88
	C_v	11,1	7,9	5,0	5,1	
Қамар n=37	$X \pm S_x$	4,6±0,08	8,6±0,11	4,0±0,03 ^{x)}	20,0±0,19 ^{x)}	0,92
	C_v	8,5	7,1	5,3	5,5	

x)=P < 0,001; x=P < 0,05

Қамар рангбарангликдаги кўзилар туғилган вақтда 4,6 кг тирик вазнга эга бўлиб, ўрикгул, шамчироқгул ва пўлати рангбарангликдаги тенгқурларига нисбатан тегишлича 0,6; 1,0 ва 0,4 кг юқори кўрсаткичларни қайд этган. Тажрибадаги кўзиларнинг 21 кунлик ёш давридаги тирик вазни бўйича ҳам энг юқори тирик вазн кўрсаткичини камар рангбарангликдаги кўзилар қайд этиб, уларнинг устунлик кўрсаткичи мос равишда 0,4; 0,7 ва 0,3 кг ни ташкил қилган.

Кўзиларнинг 21 кунлик ёш даврида мутлақ ўсиш кўрсаткичи таҳлил қилинганда, шамчироқгул рангбарангликдаги кўзилар кўрсаткичи энг юқори бўлиб, тегишлича тенгқурларидан 0,1; 0,2 ва 0,3 кг устун бўлишган. Юқори сутдорлик кўрсаткичи шамчироқгул рангбарангликдаги кўзилар оналарининг сутдорлиги 21,5 кг ни ташкил этиб, бошқа гуруҳ ҳайвонларига нисбатан мутаносиб равишда, 0,5; 1,0 ва 1,5 кг юқори сутдорликка эга бўлган.

Кўзиларнинг 21 кунлик ёшидаги тирик вазни билан совлиқлар сут маҳсулдорлиги ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда, энг юқори боғлиқлик қамар рангбаранглигидаги кўзиларда ($r=0,92$) кузатилиб, ўрикгул рангбаранглигидаги кўзиларда 0,91, пўлати рангбаранглигидаги кўзиларда 0,88 ва шамчироқгул рангбаранглигидаги кўзиларда 0,78 ни ташкил этган.

Диссертациянинг «**Наслли кўчқорларининг репродуктив хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида кўчқорларнинг жинсий фаоллиги, кўчқорлар сперманинг сифат кўрсаткичлари, кўчқорлар ёшининг совлиқларни уруғлантириш даражасига боғлиқлиги, совлиқларнинг серпуштлиги баён қилинган.

Тадқиқотларда 5,5 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи кўчқорларида жинсий фаоллик 40% ни, тажриба гуруҳида 73,3% ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан 33,3% юқори кўрсаткичлар қайд этилган (7-жадвал). 6,5 ойлик ёшдаги ҳайвонларда юқори жинсий фаоллик тажриба гуруҳида кузатилиб, назорат гуруҳига нисбатан 20,0% юқори бўлиши кузатилган. Ҳайвонларни етарли даражада озуқа элементлари билан таъминлаш уларнинг физиологик хусусиятларини меъёрда бўлишини таъминлаши ва жинсий фаоллик кўрсаткичини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Тадқиқотлар давомида кўчқорларнинг жинсий фаоллиги ўрганилиб, олинган натижалар қуйидаги 7-жадвалда баён қилинган.

7–жадвал

Кўчқорларнинг жинсий фаоллиги

Гуруҳлар	n	Жинсий фаоллигининг намоён бўлиши				Сунъий қинга ўрганиш			
		5,5 ойлик		6,5 ойлик		5,5 ойлик		6,5 ойлик	
		n	%	n	%	n	%	n	%
Назорат	15	6	40,0	10	66,7	2	13,3	6	40,0
Тажриба	15	11	73,3	13	86,7	5	33,3	13	86,7

Кўчқорларнинг 5,5 ойлик ёш даврида сунъий қинга ўрганиш кўрсаткичи назорат гуруҳида 13,3% ни, тажриба гуруҳида 33,3% ни ташкил этган. Тажриба гуруҳининг устунлик кўрсаткичи 20% ни ташкил этган. 6,5 ойлик ёш даврида ушбу кўрсаткич бўйича тажриба гуруҳининг устунлик кўрсаткичи 46,7% ни ташкил этиши кузатилган.

Кўчқорлардан олинган сперманинг ҳажми барча ёш даврларида ҳам тажриба гуруҳи кўчқорларининг кўрсаткичи назорат гуруҳи кўчқорлариникига нисбатан юқори бўлиши кузатилган. Аниқланган устунлик кўрсаткичи тегишли равишда 0,11; 0,47 ва 0,48 мл ни ташкил этган (8-жадвал).

Кўчқорларнинг сперма кўрсаткичлари n=5

Кўрсаткичлар	6,5-7,0 ойлик		7,5-8,0 ойлик		17,5-18,0 ойлик	
	назорат	тажриба	назорат	тажриба	назорат	тажриба
Ҳажми, мл	0,58±0,05	0,69±0,02	0,75±0,07	1,22±0,06	0,98±0,09	1,46±0,12
Зичлиги ва фаоллиги	С-0,7	С-0,9	С-0,8	Г-0,9	Г-0,8	Г-0,9
Концентрацияси, млрд/мл	1,69±0,06	1,78±0,10	1,84±0,19	2,19±0,14	2,17±0,22	3,08±0,18
Эякулятдаги сперматозоидлар сони, млрд	0,98±0,07	1,22±0,08	1,36±0,11	2,67±0,14	2,13±0,14	4,49±0,09
Тирик сперма, %	68,6	83,4	66,8	87,0	72,4	87,3
Резистентлиги, минг	25,2±0,37	31,0±0,58	33,6±0,40	41,4±0,38	36,4±0,60	47,3±0,53

Сперманинг зичлиги ва фаоллиги бўйича олинган маълумотлар тажриба гуруҳи кўчқорларининг кўрсаткичи юқори бўлишини кўрсатмоқда. Сперманинг концентрацияси бўйича тажриба гуруҳининг устунлик кўрсаткичи 0,09; 0,32; 0,91 млрд/мл ни ташкил этган. Спермадаги тирик сперматозоидлар бўйича олинган маълумотлар 6,5-7,0 ойлик ёш даврида 14,8%, 7,5-8,0 ойлик ёш даврида 20,2% ва 17,5-18 ойлик ёш даврида 14,9% тажриба гуруҳи кўчқорларининг кўрсаткичлари юқорилигини кўрсатмоқда.

Совлиқларнинг пуштдорлигини ўрганиш натижалари қуйидаги 9-жадвалда умумлаштирилган.

Кўчқорлар билан уруғлантирилган совлиқларнинг пуштдорлиги

Кўчқорлар ёши, ой	Кўчқорлар гуруҳи	Уруғлантирилган совлиқлар, бош	Олинган кўзилар, бош	100 бош совлиқдан олинган кўзилар, бош
7,5-8,0	Назорат	92	82	89,1
	Тажриба	104	95	91,3
17,5-18,0	Назорат	94	87	92,5
	Тажриба	102	96	94,1

Натижалар 7,5-8,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи кўчқорлари билан уруғлантирилган совлиқлар сони 92 бошни ташкил этиб, ҳар 100 бош совлиққа олинган кўзилар сони 89,1 бошни ташкил этган. Тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 91,3 бошни ташкил қилиши аниқланган. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи кўчқорлари билан уруғлантирилган совлиқлар сони 94 бошни ташкил этиб ушбу совлиқлардан олинган кўзилар сони 87 бошни ва ҳар 100 бош совлиққа олинган кўзилар сони 92,5 бошни ташкил қилган. Тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 102; 96, 94,1 бошни ташкил қилиши кузатилган.

Диссертациянинг «Наслли кўчқорлардан олинган авлодларни

баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида насли қорақалпоқ сур қорақўл кўчқорлардан олинган авлодларнинг туғилгандаги тирик вазни, гул типи ва синфи, конституция типлари, жун-тола сифати, гулларнинг жойлашиш расми, гулларнинг мустаҳкамлиги ва тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги баён қилинган.

Олинган авлодларнинг гул типлари 10-жадвалда баён қилинган.

10-жадвал

Олинган авлодларнинг гул типлари, % ($X \pm S_x$)

Кўчқорлар гуруҳи	n	Ярим доира қаламгул	Қовурғасимон қаламгул	Ясси қаламгул	Ўсиқгул
7,5-8,0 ойлик кўчқорлар авлодларида					
Назорат	82	52,44±5,5	21,95±4,6	14,63±3,9	10,97±3,5
Тажриба	95	55,78±5,1	20,00±4,1	13,68±3,5	10,52±3,1
17,5-18,0 ойлик кўчқорлар авлодларида					
Назорат	87	55,17±5,3	20,70±4,3	13,79±3,7	10,34±3,3
Тажриба	96	57,29±5,04	20,83±4,1	12,5±3,4	9,37±2,9

Таҳлилларга кўра, 7,5-8,0 ойликдаги назорат гуруҳидаги кўчқорлар авлодларида яримдоира қаламгулли кўзилар салмоғи 52,44%, қовурғасимон қаламгуллар 21,95%, ясси қаламгуллар 14,63% ва ўсиқгуллар салмоғи 10,97% ни ташкил этган. Тажриба гуруҳининг сифат кўрсаткичлари бироз юқори бўлиши кузатилган. Яримдоирасимон қаламгуллар бўйича назорат гуруҳига нисбатан устунлик кўрсаткичи тегишлича 3,34% ни ташкил қилган. Аммо пастроқ қимматли гул типлари салмоғи ортган. 17,5-18,0 ойликдаги кўрсаткичлар 7,5-8,0 ойлик ёшдаги кўчқорлар кўрсаткичига нисбатан назорат гуруҳида ҳам тажриба гуруҳида ҳам ўсиш ҳолатлари кузатилган. Ушбу ёш даврида тажриба гуруҳида яримдоира қаламгулли кўзилар салмоғи 57,29% ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан устунлик кўрсаткичи 2,12% ни ташкил этган. Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки хўжаликдаги селекция ишлари яримдоира қаламгул типига қаратилган.

11-жадвал

Олинган авлодларнинг конституция типлари

Кўчқорлар гуруҳи	n	Конституция типлари, % ($X \pm S_x$)		
		мустаҳкам	дағал	нозик
7,5-8,0 ойлик кўчқорлар авлодларида				
Назорат	82	65,85±5,2	19,51±4,4	14,63±3,9
Тажриба	95	67,36±4,8	17,89±3,9	14,73±3,6
17,5-18,0 ойлик кўчқорлар авлодларида				
Назорат	87	67,81±5,0	18,39±4,1	13,79±3,7
Тажриба	96	72,91±4,5	16,67±3,8	10,42±3,1

Турли ёш даврида насл учун фойдаланилган кўчқорлардан олинган авлодларнинг конституция типи бўйича олинган маълумотлар таҳлиliga кўра, 7,5-8,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи ҳайвонлари авлодларининг 65,85% мустаҳкам конституция типига мансуб бўлган, тажриба гуруҳида ушбу

кўрсаткич нисбатан юқори бўлиб, устунлик кўрсаткичи 1,51% ни ташкил этган. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги кўчқорлардан олинган авлодлар 7,5-8,0 ойлик ёшдаги ҳайвонлар кўрсаткичидан юқори бўлиши кузатилди. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳида мустаҳкам конституцияга эга бўлган авлодлар салмоғи 67,81%, дағал 18,39% ва нозик 13,79% ни ташкил этган. Ушбу ёш давридаги тажриба гуруҳи ҳайвонларида мустаҳкам конституцияли кўзилар салмоғи ошиб (72,91%) дағал (16,67%) ва нозик (10,42) конституцияли авлодлар салмоғи камайиши ҳолати кузатилган. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги тажриба гуруҳи кўчқорлари ўзларининг генетик потенциалини авлодларга ўтказиш хусусияти ошиб, уларда ташқи муҳит омилларига чидамли, ҳаётчан, соғлом юқори маҳсулдорлик хусусиятлари билан характерланувчи мустаҳкам конституцияли авлодлар салмоғининг кўпайишига олиб келган.

Қорақалпоқ сур терилари ички ва жаҳон бозорида бошқа қоракўл териларига нисбатан юқори баҳоланади. Турли ёш даврларидаги назорат ва тажриба гуруҳларида элита ва I-синфли терилар чикими турлича бўлганлиги учун териларнинг ўртача нархи ҳам турлича бўлишига олиб келган яъни 82,0 минг сўмдан 108,2 минг сўмгачани ташкил қилган. Шу билан биргаликда қоракўл терилар таннархи ҳам гуруҳларда турлича бўлган.

12-жадвал

Тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш

№	Кўрсаткичлар	Кўчқорлар гуруҳи			
		7,5-8,0 ойлик ёш		17,5-18,0 ойлик ёш	
		назорат	тажриба	назорат	тажриба
1	Жами қоракўл терилари миқдори, дона	82	95	87	96
2	Элита ва I-синфли кўзилар миқдори (%)	84,7	86,8	88,7	89,2
3	Бир дона қоракўл терисининг сотиш баҳоси, сўм	82000	100330	92750	108170
4	Жами қоракўл териларининг сотиш баҳоси, сўм	6724000	9531350	8069250	10384320
5	Бир дона қоракўл терисининг таннархи, сўм	48000	56000	53000	59000
6	Жами харажатлар, сўм	3936000	5320000	4611000	5664000
7	Жами олинган даромад, сўм	6724000	9531350	8069250	10384320
8	Олинган фойда/зарар (+,-), сўм	2788000	4211350	3458250	4720320
9	Рентабеллик даражаси, %	70,83	79,16	75,00	83,34

Юқоридаги сабабларга кўра турли гуруҳларнинг рентабеллик даражаси турлича бўлиб, 70,83; 79,16; 75,0 ва 83,34% ни ташкил этган. Ушбу натижалар 17,5-18,0 ёшдаги тажриба гуруҳи ҳайволарининг рентабеллик даражаси юқори бўлишини (83,34%) кўрсатган ва бошқа гуруҳлардан тегишлича 12,51; 4,18 ва 8,34% юқори бўлишига олиб келган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқотларда тажриба гуруҳи кўзиларининг назорат гуруҳига нисбатан туғилгандаги тирик вазни 0,2 кг, 15-20 кунликда 0,4 кг, 4-4,5 ойликда 0,9 кг, 8 ойликда 2,6 кг, 12 ойликда 1,2 кг ҳамда 18 ойликда 2,5 кг юқори бўлиши аниқланди ($P < 0,001$; $P < 0,05$). Ушбу тирик вазн кўрсаткичларидаги фарқланишлар ҳайвонларни озиклантириш меъёрларига риоя қилиш, тўла қийматли озиклантириш ҳисобига юзага келиб, келгусида уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларининг тўлароқ намоён бўлишини таъминлайди.

2. Турли ёшли ҳайвонларнинг ўсиш даражасини, ўсиш жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар, соғломлигини, гўшт маҳсулдорлигини баҳолаш имконини берувчи экстерьер ўлчамлари бўйича тажриба гуруҳи ҳайвонларда юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Шунингдек, барча ёш давларида тажриба гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана тузилиш индекслари физиологик меъёр даражасида ривожланган, зотга хос бўлган кўрсаткичларни намоён қилган, тажриба гуруҳида тана тузилиш индекслари 1,2% ва 2,5% атрофида назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлиши аниқланган ($P < 0,001$; $P < 0,05$).

3. Кўзиларда жун толаларининг узунлиги билан жун маҳсулдорлиги ўртасидаги боғлиқликларни ўрганиш, барча ёш давларида жун толаларининг узун бўлиши қамар рангбаранглигидаги кўзиларнинг жун қирқимининг юқори (1186,4 грамм) бўлишини таъминлаб, ушбу кўрсаткичнинг ўрикгул, шамчирокгул ва пўлати рангбаранглигидаги кўзилар кўрсаткичига нисбатан тегишлича 140,1; 154,1 ва 165,4 граммга юқори бўлиши кузатилган ($P < 0,001$; $P < 0,05$).

4. Совлиқлар сут маҳсулдорлигининг кўзилар тирик вазни билан боғлиқлиги бўйича юқори сутдорлик шамчирокгул рангбарангликдаги кўзилар оналарида кузатилиб, 21,5 кг ни ташкил этган ва бошқа гуруҳларга нисбатан тегишлича 0,5; 1,0 ва 1,5 кг юқори бўлган ($P < 0,001$; $P < 0,05$). Улар орасида юқори корреляцион боғлиқликлар ($r = 0,92$; 0,91; 0,88 0,78) қайд этилган.

5. Назорат гуруҳи кўчқорларида (5,5 ойлик ёш) жинсий фаоллик 40% ни, тажриба гуруҳида 73,3% ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан 33,3% юқори кўрсаткичларни қайд этишган, 6,5 ойлик ёшдаги ҳайвонларда назорат гуруҳига нисбатан 20,0% юқори жинсий фаоллик кузатилган. Кўчқорларнинг 5,5 ойлик ёш даврида сунъий қинга ўрганиш кўрсакичи назорат гуруҳида 13,3% ни, тажриба гуруҳида 33,3% ни, 6,5 ойлик ёш даврида ушбу кўрсаткич бўйича тажриба гуруҳининг устунлик кўрсаткичи 46,7% ни ташкил этиши кузатилган.

6. Кўчқорлардан олинган сперманинг ҳажми бўйича тажриба гуруҳининг устунлиги тегишлича 0,11; 0,47 ва 0,48 мл ни ташкил этган. Сперманинг зичлиги, фаоллиги ва концентрацияси ҳам тажриба гуруҳида юқори бўлган. Тирик сперматазоидлар бўйича олинган маълумотлар тажриба гуруҳи кўрсаткичларининг 6,5-7,0 ойлик ёш даврида 14,8%, 7,5-8,0 ойлик ёш даврида 20,2% ва 17,5-18 ойлик ёш даврида 14,9% юқорилигини

кўрсатмоқда. Бу устунлик келгусида совлиқлар серпуштлигига ижобий таъсир кўрсатади.

7. Назорат гуруҳига мансуб 7,5-8,0 ойлик кўчқорлар билан уруғлантирилган совлиқлар 92 бошни ташкил этиб, 100 бош совлиққа олинган кўзилар 89,1 бошни, тажриба гуруҳида 91,3 бошни, 17,5-18,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи кўчқорлари билан уруғлантирилган совлиқлар 94 бошни, олинган кўзилар 87 бошни ва 100 бош совлиққа олинган кўзилар 92,5 бошни ташкил қилган. Тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 102; 96; 94,1 бошни ташкил этиши кузатилган.

8. Назорат гуруҳидаги 7,5-8,0 ойлик кўчқорлар авлодларида ярим доира қаламгулли кўзилар салмоғи 52,44%, қовурғасимон қаламгуллар 21,95%, ясси қаламгуллар 14,63% ва ўсиқгуллар салмоғи 10,97% ни ташкил этган. Тажриба гуруҳида қиммали ҳисобланган ярим доира қаламгуллар 3,34% кўп бўлган, 17,5-18,0 ойликда назорат ва тажриба гуруҳида ўсиш ҳолатлари кузатилган. Ушбу ёш даврида тажриба гуруҳида ярим доира қаламгулли кўзилар салмоғи 57,29% ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан устунлик кўрсаткичи 2,12% ни ташкил этган.

9. Синфларга тақсимланиш бўйича 7,5-8,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳидаги кўчқорлари авлодларида элита ва биринчи синфли кўзилар салмоғи 84,17% ни, тажриба гуруҳида 86,31% ни, 17,5-18,0 ойлик ёшда эса тегишлича 88,49 ва 89,54 % ни ташкил этиши кузатилган.

10. Олинган авлодларнинг конституция типлари бўйича 7,5-8,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳи кўчқорлари авлодларининг 65,85% мустаҳкам конституция типига мансуб бўлган, тажриба гуруҳида ушбу кўрсаткич бўйича устунлиги 1,51 фоизни ташкил этган. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги кўчқорлардан олинган авлодлар 7,5-8,0 ойлик ёшдаги ҳайвонлар кўрсаткичидан юқори бўлиши кузатилган. 17,5-18,0 ойлик ёшдаги назорат гуруҳида мустаҳкам конституцияга эга бўлган авлодлар салмоғи 67,36%, дағал 17,89% ва нозик 14,73% ни ташкил этган. Ушбу ёш давридаги тажриба гуруҳи ҳайвонларида мустаҳкам конституцияли кўзилар салмоғи ошиб (72,91%) дағал (16,67%) ва нозик (10,42) конституцияли авлодлар салмоғининг камайиш ҳолати кузатилган.

11. Қоракўл терилари бўйича иктисодий самарадорлик териларнинг наводорлиги ва ўртача нархи турлича бўлиши ҳисобига 1 дона теридан олинган соф фойда 34,0-49,17 минг сўмгачани ташкил қилган. Рентабеллик даражаси тегишлича 70,83; 79,16; 75,0 ва 83,34% ни, тажриба гуруҳига мансуб 17,5-18,0 ойлик кўчқорлар бўйича рентабеллик даражаси юқори бўлиб (83,34%), бошқа гуруҳлардан тегишлича 12,51; 4,18 ва 8,34% устунлик қилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

ПАРМАНОВА ДИЛНОЗА МАВЛАНОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ПОЛУЧЕНИЯ И ВЫРАЩИВАНИЯ ПЛЕМЕННОГО
МОЛОДНЯКА КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ**

**06.02.03 – Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/Qx64.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Бобокулов Насилло Асадович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Досмухамедова Мухайё Хуснидиновна доктор сельскохозяйственных наук, доцент Амиров Шавкат Кузибоевич кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится «06» 10 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018. Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №177). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «25» 09 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № 8 от «25» 09 2020 года)



М.Э.Аширов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученой степени, д.с.х.н., профессор

Б.С.Маматов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению ученой степени, д.ф.с.х.н (PhD)

С.Ю.Юсупов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Каракульская порода овец разводится в более чем 40 странах земного шара. В мире на основе чистопородного разведения каракульской породы и скрещивания их с местными породами расширился их наследственный потенциал, создаются методы производства каракулевой продукции, обладающий новыми свойствами завитковых качеств. Оценка наследственности каракульских овец и изучение степени проявления их наследственного потенциала, разведение овец на основе проведенных исследований по повышению плодовитости, научно обоснованные обобщения свойств многоплодия и смушковых свойств привело к созданию стада овец многоплодных типов.

Отрасль каракулеводства на высоком уровне развита в таких странах как, Казахстан, Туркменистан, Южно-Африканская Республика, Намибия, Афганистан. В этих странах уделяется особое внимание выполнению научно-исследовательских работ по обогащению генотипа каракульской породы новыми наследственными свойствами.

